

**Мавзу: Кичик корхоналар учун ягона
солик. Савдо ва умумовқатланиш
корхоналарнинг тушумидан
олинадиган солик**

Р е ж а

Соддалаштирилган солиқка тортиш тизими ҳакида тушунча
унинг иқтисодий моҳияти ва ахамияти

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини қўлланиши

Ягона солиқ тўловини тўловчилари ва солиқ солиш объектлари

Ягона солиқ тўлови ставкалари ва солиқ солинадиган база

Ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзлар

Микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ
тўловини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан ягона солиқ
тўловини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари

Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш, унинг ҳисоб-
китобларини тақдим этиш ва уни тўлаш тартиби

Фойдаланилган адабиётлар


Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.12.2019 йилдаги 4086-сонли қарори.

Жўраев А. ва бошқалар. Соликлар ва солиқقا тортиш. –Т:. 2009. 56-65 бетлар.

Вахобов А., Жўраев А. Соликлар ва солиқقا тортиш. –Т:. 2009. 124-151 бетлар.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. –Т: Адолат. 2008.

Содда- лашти- рилган солиқ тизими деб



*бир қанча солиқлар
ва түловлар ўрнига
битта түлов ёки солиқ
билин солиқ ундириши
тартибиидир.*

Мамлакатимизда кичик бизнесни солиқлар воситасида қўллаб-қувватлаш борасида 2005-2007 йиллар мобайнида муайян ишлар амалга оширилди.

Шу ўринда Республика Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ-3620 «Микро фирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Унга асосан 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб микрофирма ва кичик корхоналар учун илгари тўлаб келинган **4 та тўлов** - ягона солиқ ҳамда бюджетдан ташкари *Пенсия жамгармаси, Йул ва Мектаб таълими жамгармаларига мажбурий ажратмалар* ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилиши кичик бизнес зиммасидаги солиқ юкининг сезиларли даражада пасайишига олиб келди.

Маълумки солиқ сиёсатида туб ўзгаришлар содир бўлди. 2007 йил 25 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида” ги ЎРҚ-136 сонли Қонуни билан янги Солиқ кодекси қабул қилинди хамда 2008 йил 1 январдан кучга кирди. Ўзбекистон Республикасининг **янги Солиқ кодекси 2 та (умумий ва маҳсус) қисм, 21 бўлим, 64 боб ва 392 та моддаладан иборатдир**. Шунга мувофиқ соддалаштирилган солиқ тизими янги Солиқ кодексининг 20 бўлими 55-58 боблари хамда 348-375 моддаларда ўз аксини топган. Соддалаштирилган солиқ тизими 3-та йўналиш бўйича ўрганилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг XX - бўлими Соддалаштирилган солиқ тизими



Ягона солиқ тўловининг объекти ялпи тушум, ягона ер солигини объекти ернинг норматив қиймати хамда юридик ва якка тартибдаги тадбиркорларга қатий белгиланган солиқ учун объекти физик кўрсаткич бирлигига ҳар ойда қатий белгиланган солиқ ставкаси (энг кам иш ҳақига бирлик учун каррали миқдорларда) хисобланади.

Ягона солиқ түлови түловчилар қуидагилардир:

1) микрофирмалар ва кичик корхоналар;

2) ходимларнинг сонидан қатъи назар:

- савдо корхоналари ва умумий овқатланиш корхоналари;
- хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар;
- лотереялар ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасидаги юридик шахслар.

ХОДИМЛАРИНИНГ ЎРТАЧА ЙИЛЛИК СОНИ:

- ▶ - ишлаб чиқариш тармоқларида 20 кишидан;
- ▶ - хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга бевосита алоқаси бўлмаган тармоқларда 10 кишидан;
- ▶ - улугуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишидан ошмаган микрофирмалар;
- ▶ қўйидаги тармоқларнинг ўртача йиллик ходимлари сони:
 - ▶ - енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебель саноати ва қурилиш материаллари саноати 100 кишидан;
 - ▶ - машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳалари 50 кишидан;
 - ▶ - фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган соҳалар 25 кишидан ошмаган кичик корхоналар.

Ягона солиқ тұлови қуидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга татбиқ этилмайды:

- 1) акциз солиғи тұланадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни қазиб олишни амалга оширувчи микрофирмалар ва кичик корхоналарга;
- 2) Солиқ кодекснинг 57-бобига мувофиқ ягона ер солиғи ва 58-бобига мувофиқ қатъий белгиланған солиқ тұлаш назарда тутилған фаолият доирасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга;
- 3) маҳсулот тақсимотига оид битимлар иштирокчилариға.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига ходимларининг сони бүйича қонун хужжатларида белгиланған мезонга меселедегі көрсеткіштерге сәйкес келді:

- ходимларнинг сони ҳисобот йили учун ходимларнинг ўртача йиллик сонидан келиб чиққан ҳолда аниқланади;
- ходимларнинг ўртача йиллик сонини аниқлашда ўриндошлиқ, пудрат шартномалари ва бошқа фуқаролик-хуқуқий түсдегі шартномалар бүйича ишга қабул қилинган ходимларнинг, шунингдек унитар (шұйба) корхоналарда, ваколатхоналар ва филиалларда ишлаётганларнинг сони ҳам ҳисобға олинади;
- юридик шахсларни микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига киритишда юридик шахснинг асосий фаолият (ихтисослиги) турига түғри келдиган ходимлар сонининг мезони қабул қилинади.

Ягона солиқ тўловининг объекти Ялпи тушумдир.

Солиқ солиши мақсадида ялпи тушум таркибига қуийдагилар киритилади:

Товарларни (ишларни, хизматларни) қўшилган қиймат солигини чегирган ҳолда (қўшилган қиймат солиги тўлашга ўтган солиқ тўловчилар учун) реализация қилишдан тушган тушум.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум деганда қуийдагилар тушунилади:

- қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиха-қидирав ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун - ўз кучлари билан бажарилган, тегишинча қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиха-қидирав ва илмий-тадқиқот ишларини реализация қилишдан тушган тушум;

- савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун - товар обороти;

- мол-мулкни молиявий ижарага (лизингга) берувчи юридик шахслар учун молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси;

- воситачилик ва топшириқ шартномалари ҳамда воситачилик хизматлари қўрсатишига оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари қўрсатадиган юридик шахслар учун - қўрсатилган хизматлар учун пул мукофоти суммаси;

- тайёрлов, таъминот-сотиш ташкилотлари учун - реализация қилинган товарларнинг харид қиймати билан сотиш қиймати ўртасидаги фарқ сифатида хисоблаб чиқарилган ялпи даромад;

- лотерея ўйинларини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасида юридик шахслар учун - ўйин чипталарини уларда қўрсатилган нарх бўйича тарқатишдан тушган тушум;

**Ставки
единого налогового платежа для микрофирм и малых предприятий
(кроме предприятий торговли и общественного питания)**

№	Плательщики	Ставки налога в % к налогооблагаемой базе
1.	Юридические лица всех отраслей экономики, за исключением предусмотренных в пунктах 2-7	5*
2.	Юридические лица, оказывающие услуги по таможенному оформлению (таможенные брокеры)	5
3.	Ломбарды	30
4.	Юридические лица, получающие доходы от организации массовых зрелищных мероприятий путем привлечения юридических и физических лиц (включая нерезидентов), имеющих лицензию на занятие концертно-зрелищной деятельностью	30
5.	Брокерские конторы (за исключением указанных в пункте 6), а также юридические лица, оказывающие посреднические услуги по договору комиссии, поручения и другим договорам по оказанию посреднических услуг	33**
6.	Юридические лица, осуществляющие брокерскую деятельность на рынке ценных бумаг	13**
7.	Юридические лица, специализирующиеся на предоставлении в аренду стационарных торговых точек (доходы от предоставления в аренду составляют более 60%) для реализации продовольственных и непродовольственных товаров	30

Примечания:

*) Для юридических лиц, предоставляющих имущество в финансовую аренду (лизинг), – сумма процентного дохода по финансовой аренде (лизингу).

**) Сумма вознаграждения (валовый доход).

**Ставки
единого налогового платежа для предприятий торговли и общественного питания,
включая микрофирмы и малые предприятия**

№	Плательщики	Ставки налога в % к налогооблагаемой базе
1.	Предприятия общественного питания из них: специализированные предприятия общественного питания, обслуживающие общеобразовательные школы, школы-интернаты, средние специальные, профессиональные и высшие учебные заведения	10 8
2.	Предприятия розничной торговли, за исключением указанных в пункте 3 и 4: в зависимости от места расположения: городах с численностью населения 100 тысяч и более человек других населенных пунктах труднодоступных и горных районах	
2.1.		4 2 1
2.2.	независимо от места расположения: по товарообороту от реализации алкогольной продукции, табачной продукции, бензина, дизельного топлива и сжиженного газа	4
3.	Предприятия торговли, осуществляющие оптовую, а также оптово-розничную торговлю (за исключением указанных в пункте 4)	5
4.	Оптовые и розничные аптечные организации, расположенные в: городах с численностью населения 100 тысяч и более человек других населенных пунктах труднодоступных и горных районах	3 2 1
5.	Заготовительные организации, осуществляющие закуп, сортировку, хранение и фасовку сельскохозяйственной продукции	4

Примечание:

Приложение № 9-3
к постановлению Президента Республики Узбекистан
от «29 » декабря 2017 года №ПП-3454

Ставка
единого налогового платежа для отдельных категорий предприятий

Плательщики	Ставка налога в % к налогооблагаемой базе
Юридические лица, осуществляющие деятельность по организации лотерей (в рамках данного вида деятельности)	33

Приложение № 10
к постановлению Президента Республики Узбекистан
от «29 » декабря 2017 года №ПП-3454

**Ставки
фиксированного налога по отдельным видам предпринимательской деятельности
с юридических лиц и индивидуальных предпринимателей**

№	Вид деятельности	Плательщики	Физические показатели, характеризующие данный вид деятельности	Ставка фиксированного налога на единицу физического показателя (в кратных размерах к минимальной заработной плате на единицу) в месяц			
				г. Ташкент	г. Нукус, города-областные центры	прочие города	прочие населенные пункты
1.	Временное хранение автотранспортных средств, за исключением временного хранения автотранспортных средств на автостоянках дехканских (продовольственных) рынков	юридические лица	Занимаемая площадь (1 кв. метр)	0,1	0,06	0,05	0,04
3.	Детские игровые автоматы	юридические и физические лица	Число оборудованных мест (единиц)	3,0	2,0	1,5	1,0

Примечание:

1. Ставки фиксированного налога определяются исходя из минимальной заработной платы, установленной на начало года – на 1 января 2018 года (172 240 сумов), и не пересматриваются в течение года при изменении размера минимальной заработной платы.
2. При выявлении неучтенных физических показателей в представленном расчете фиксированного налога такие факты рассматриваются как уклонение от уплаты налогов.

Солиқ Кодексининг 355-моддасига мувофиқ

қуидагилар чегириб ташланган
холда ҳисоблаб чиқарилган ялпи
тушум солиқ солинадиган базадир:

- 1) давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар;
- 2) тўлов манбаида солиқ солинадиган дивидендлар ва фоизлар тариқасида олинган даромадлар;
- 3) дивидендлар тариқасида олинган ва қайси юридик шахсдан олинган бўлса, ўша юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) йўналтирилган даромадлар. Муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқилаётганда (чиқиб кетганда) ёхуд тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки имтиёз қўлланилганидан сўнг бир йил ичida унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланганда илгари солиқ солинадиган базадан чегирилган даромадларга тўлов манбаида умумий асосларда солиқ солинади;
- 4) ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромадлар. Мазкур даромадларга улар қайси даврда пайдо бўлган бўлса, ўша даврдаги қонун хужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ўtkazilgan ҳисоб-китоблар инобатга олинган холда солиқ солиниши керак;
- 5) кўп оборотли қайтариладиган таранинг қиймати, агар унинг қиймати товарларни (ишлар ва хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумнинг таркибига илгари киритилган бўлса;
- 6) маҳсулот етказиб берувчиларнинг сийлови (скидка) тариқасида ва асосий воситаларни тугатиш (ҳисобдан чиқариш) натижасида олинган бошқа даромадлар.

Ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзлар

Ягона солиқ тўловини тўлашдан ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камидаги 50 фоизини ногиронлар, 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил этадиган юридик шахслар озод қилинади, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно. Кўрсатилган имтиёзни олиш ҳуқуқи белгиланаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган ходимлар киритилади.

Янги ташкил этилаётган микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини бир йилга кечикириш, кечикирилган суммани имтиёзли давр тугагандан кейин teng улушларда 12 ой давомида тўлаш ҳуқуқи берилган.

Ягона солиқ тўловини тўлайдиган микрофирма ва кичик корхоналар қонун ҳужжатларига мувофиқ ижарага олинган ер майдонлари учун бюджетга ижара ҳақи тўлашдан озод қилинади.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари

Микрофирмалар ва кичик корхоналар, солиқ кодекснинг 350-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида кўрсатилганлар мустасно (*савдо корхоналари ва умумий овқатланиш корхоналари; хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар; лотереялар ташкил қилиши бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасидаги юридик шахслар*), ягона солиқ тўловини тўлашни назарда тутадиган солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини ёки умумбелгиланган солиқлар тўлашни танлашга ҳақли.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини тўлашдан ихтиёрий равища воз кечган тақдирда ҳисобот даври тугаганидан сўнг ўн кун ичida давлат солиқ хизмати органларига тақдим қилинадиган ёзма билдириш асосида кейинги ҳисобот давридан бошлаб умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтади.

Ҳисобот йили тугаши билан Солиқ кодекснинг 350-моддаси учинчи қисмига мувофиқ белгиланган ходимлар сони мезонига мос келмайдиган ягона солиқ тўловини тўловчилар давлат солиқ хизмати органларига йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиш муддатидан кечиктирмай тақдим этиладиган ёзма билдириш асосида кейинги ҳисобот йилидан бошлаб умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтади. Ходимлар сони мезонига мос келмайдиган ягона солиқ тўловини тўловчилар ягона солиқ тўловини тўлаш хуқуқидан маҳрум бўлган ўтган ҳисобот йили учун умумбелгиланган солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар асосида ягона солиқ тўлови юзасидан қайта ҳисоб-китобни амалга оширади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари

Маълумки, 2007 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг №-532-сонли Қарорига асосан савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортиш тизими бирмунча соддалаштирилган эди. Яни, аввалги солиққа тортиш тартибида савдо ва умумий овқатланиш фаолияти билан шуғулланадиган корхоналар учун белгиланган ялпи даромад солиғи, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, Республика йўл жамғармасига, Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига ажратиладиган мажбурий тўловлар ўрнига ялпи тушумдан тўланадиган ягона солиқ тўлови жорий этилди.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари

**2007 йил 1 январгача
солиқлар**

Ялпи даромад солиғи - 20%; 18%; 16%
Мол мулк солиғи - 3,5%
Пенсия жамғармасига ажратмалар - 0,7%
Республика йўл жамғармасига ажратмалар - 1%

**2007 йил 1 январдан
бошлаб**

**Ялпи тушумдан
ягона солиқ
тўлови**